

Ўзбекистонда маҳсулотлар ва хизматларни «Ҳалол» белгиси билан тамғалашга рухсат беради



10:16 / 03.02.2025 1218

Ўзбекистонда 2025 йилнинг 1 майдан Ислом мамлакатлари стандартлари ва метрология институти (SMIIC) стандартлари талаблари асосида сертификатлаштирилган маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» белгиси билан тамғалашга рухсат берилди.

Бу борада Ҳукуматнинг жорий йил 1 февраль куни 57-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан, жумладан, Маҳсулотлар ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Шунингдек, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш органи ташкил этилади ва аккредитациядан ўтказилади.

Манба: <https://lex.uz/pdfs/7354717>